“Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти
Кузатув кенгашининг 2019 йил 29 ноябрдаги
№253-сонли мажлис баёни қарори билан
тасдиқланган

“ЎЗАГРОЛИЗИНГ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 2020 ЙИЛ УЧУН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН БИЗНЕС-РЕЖАСИ

Тошкент-2019

№	Мазмуни	Саҳифа
	Кириш	3
1.	Жамият фаолиятининг мақсади (резюме)	3
2.	Жамият ҳақида маълумотлар	4
3.	Жамият бошқарув структураси	6
4.	Жамиятнинг ташкилий техник жиҳозланиши	8
5.	Жамият фаолияти таҳлили	9
6.	Молиявий режалаштириш	11
7.	Баланс даромадлари ва харажатлари кўрсаткичлари	14
8.	"Ўзагролизинг" акциядорлик жамиятининг 2020 йил учун эмиссия ва дивиденд сиёсати	16
9.	"Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти бошқарув фаолиятини самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари	17
	Иловалар	

Кириш

Лизинг фаолиятини қисқа муддатли режалаштириш стратегик режалаштиришнинг бир қисмидир. Қисқа муддатли режалаштириш корхона ривожланишини стратегик мақсадларга мувофиқлигини таъминлаш учун ўтказилади. Режалаштиришнинг вазифалари Жамият фаолиятини ташкил этиш, ресурсларни тақсимлаш ва баҳолаш натижаларига мослигини аниқлаш, ривожланишнинг асосий факторларини башорат қилиш, аввалги йиллар метод ва натижалари, ички ва ташқи муҳит таҳлилини ташкил этишдан иборат. Бизнес режа – Жамиятни олдиндан белгилаб олган стратегияси ва тактикаси асосида молиявий-иқтисодий аҳволини таҳлил этиш ва баҳо бериш жараёнидир.

Лизинг хизматлари бозори тармоқ сифатида бошқа ривожланиб бораётган хизмат кўрсатувчи тармоқлардан бир қанча хусусиятлари билан ажралиб туради.

Бугунги кунда республика лизинг хизматлари бозорида 90 дан ортиқ лизинг берувчи фаолият кўрсатса, “Ўзагролизинг» акциядорлик жамияти шу соҳа бозорининг йирик иштирокчисидир. “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти ўзининг фаолияти давомида лизинг хизматлари бозорида бир маромда ривожланишга, молиявий кўрсаткичларининг доимий ўсишига эришди.

“Ўзагролизинг” акциядорлик жамиятининг 2020 йилга мўлжалланган “Бизнес-режа”си Жамиятнинг лизинг хизматлари бозорида ўз ўрнига эга бўлиш, фаолиятини кенгайтириш, лизинг бозорида жозибадор, қулай хизматларни кўрсатиш ва олдинги мавқеларда бўлишга интилишни мужассам этади.

1. Жамият фаолиятининг мақсади (резюме)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 486-сонли “"Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига асосан “Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг” компанияси, Германиянинг қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва уруғчилик корхоналари “Зелко” уюшмаси ҳамда “Ўзсаноатмашимпекс” давлат акциядорлик ташқи савдо компанияси томонидан “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси ташкил этилган.

Машина-трактор паркларига, қишлоқ хўжалик корхоналарига, деҳқон ва фермер хўжаликларига уларнинг буюртмаларига асосан қишлоқ хўжалиги машиналарини ва бошқа механизация воситаларини лизингга бериш «Ўзагролизинг» акциядорлик жамиятининг асосий вазифаси этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3929-сонли Қарорига асосан қуйидаги функциялар:

-лизинг олувчиларнинг лизинг асосида реализация қилинадиган замонавий қишлоқ хўжалиги ва бошқа техникаларга, ускуналар ҳамда мини технологияларга бўлган талабларини ўрганиш;

-аграр йўналишдаги фаолиятнинг устуворлигини таъминлаган ҳолда лизинг фаолияти йўналишларини диверсификациялаш ва кенгайтириш;

-замонавий, халқаро стандартларга жавоб берадиган лизинг хизматлари турларини ва инновацион молиявий маҳсулотларни жорий этиш;

-агросаноат комплекси, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг лизинг лойиҳалари ва тадбиркорликни молиялаштириш учун хорижий кредит линиялари ва халқаро молия институтларининг маблағларини жалб этиш;

-лизинг хизматларини кўрсатиш соҳасига замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш ва кадрлар малакасини оширилишини таъминлаш юклатилган.

Шу билан бирга, “Республика қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга олиш тартиби” тасдиқланган.

«Ўзагролизинг» акциядорлик жамияти томонидан “Жамғарма” маблағлари ҳисобига фермер хўжаликлари, машина-трактор парклари ва “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик бирлашмаларига лизинг хизматлари кўрсатишда бир қатор имтиёзли лизинг шартлари белгиланган.

2. Жамият ҳақида маълумотлар

Жамиятнинг:

тўлиқ номи - “O‘zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati;

қисқартирилган номи - AJ “O‘zagrolizing”.

Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави 2016 йил 14 декабрда Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш “Yagona darcha” маркази томонидан R-09-000205-реестр рақами билан рўйхатга олинган.

Гувоҳнома 2002 йил 20 мартда 09-000205-реестрдаги тартиб рақами билан Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимининг

2002 йил 19 мартдаги 249-сон қарори билан берилган.

Ташкилий ҳуқуқий шакли:

Aksiyadorlik Jamiyati (ОПФ - 1150)

Мулкчилик шакли

Аралаш (ФС - 144)

Жойлашган ери (почта манзили СОАТО - 1726277):

100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси 4а уй (Бино “Ўзагросервис” акциядорлик жамиятига тегишли, Жамият бинодан ижара асосида фойдаланади);

Юридик шахс коди (ОКПО – 17489494, СООГУ – 13834)

Тармоқ коди

Лизинг (64910)

Банк реквизитлари:

х/р 20210000904021251001, МФО 00394,

“Агробанк” АТБ Тошкент шахар филиали

Давлат солиқ хизмати органи

Шайхонтоҳур тумани Давлат Солиқ инспекцияси, стир 203071206

Бошқарув раиси: Сулаймонов Акром Исомитдинович.

Бош бухгалтер: Ўразбоев Ўрол Абдулахатович.

Электрон почта info@agroleasing.uz, веб-сайт www.agroleasing.uz

Жамият Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўз филиалларига эга, бундан ташқари жамият таъсисчилигида “Ўзмашлизинг” МЧЖ, “Лизинг техника сервис” МЧЖ, “Лизинг ахборот технологиялари” МЧЖ корхоналари мустақил шахс сифатида фаолият юритади.

Жамиятнинг устав фонди миқдори 105 681 835 545,0 сўмни ташкил этади. Жамият таъсисчилари юридик ва жисмоний шахслар бўлиб, энг йирик акциядорлар қуйидаги 1-жадвалда кўрсатилган.

1-жадвал

№	Таъсисчи номи	Улуш суммаси, млн.сўм	Жамият устав капиталидаги улуши, фоизда
1	“Davlat Aktivlarini Boshqarish Agentligi”	93 287,25	88,27
2	“SILK CAPITAL” акциядорлик жамияти хорижий корхонаси	2 477,9	2,34
3	Акциядорлик тижорат “Турон банк”	1 167,4	1,10
4	“Ansher Investments” LLP	1 011,1	0,95
5	“O'zagrosug'urta Davlat-aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi”	902,9	0,85
6	АТБ “Агробанк”	763,9	0,72

7	"Ипотека Банк" АТИБ	684,7	0,64
8	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	544,1	0,51
9	Бошқалар (жами 670 та жисмоний ва юридик шахс)	4 842,6	4,62
	ЖАМИ	**105 681,8**	**100,0**

3. Жамият бошқарув структураси

Жамият бошқаруви Акциядорлар умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органидан иборат.

Жамият юқори бошқарув органи Акциядорлар умумий йиғилиши ҳисобланиб, жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, фаолиятнинг асосий мақсадларини белгилайди ва ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқади.

Кузатув кенгаши Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан берилган ваколат бўйича раҳбарликни амалга оширади.

Жамият кузатув кенгаши таркиби:

Турсунов Ёрқин Эргашевич	Кузатув кенгаши раиси
Эргашев Абдимухтор Эргашевич	Кузатув кенгаши аъзоси
Шакиров Бахром Аскаралиевич	Кузатув кенгаши аъзоси
Сайфуллаев Абдулазиз Садулла ўғли	Кузатув кенгаши аъзоси
Рустамов Бахтиёр Равшанович	Кузатув кенгаши аъзоси
Хусаинов Шавкат Абдушукурович	Кузатув кенгаши аъзоси
Ташев Азиз Тахирович	Кузатув кенгаши аъзоси

Жамиятнинг жорий фаолиятига коллегиал ижро органи – 5 кишидан иборат жамият Бошқаруви раҳбарлик қилади.

Жамият Бошқаруви таркиби:

1.Сулаймонов Акром Исомиддинович	Бошқарув раиси
2. Каримов Бурхан Муминович	Бошқарув раиси ўринбосари
3. Ўразбоев Ўрол Абдулахатович	Бош бухгалтер
4. Нурматов Шухрат Шакиралиевич	Маркетинг бошқарма бошлиғи
5. Холбоев Хайрулла Жўрабаевич	Юридик бўлим бошлиғи

Бугунги кунда Жамиятда меҳнат қилаётган жами ходимлар сони 347 кишини ташкил этиб, 2 нафар ходим "фан номзоди" илмий унвонига эга 271 нафари олий маълумотга эга, шундан 134 нафар ходим олий иқтисодий маълумотга, 17 нафар ходим олий техник маълумотга, 32 нафар ходим олий юридик маълумотга, 88 олий турли

маълумотга эгадирлар. 51 нафар ходим ўрта-махсус, 25 таси эса ўрта маълумотга эгадир.

Жамият Бошқаруви раҳбарликни амалга ошириш, Жамият фаолияти билан боғлиқ барча жараёнларни бошқариш ва назорат қила олиш бўйича зарур даражадаги билим ва малакага эга.

Жамият тизимида бошқарувни амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, шартнома-даъво ишларини олиб бориш, жамият мулки ҳисобланган лизинг объектларини техник мониторингдан ўтказиш, ижро интизомини ташкил этиш ва шу каби бошқа йўналишлар етарли даражадаги билим ва кўникмаларга, иш тажрибасига эга бўлган ходимлар билан таъминланган.

Иш фаолиятида компьютерлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган барча ходимлар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича лозим даражадаги билим ва кўникмаларга эга.

Жамият томонидан амалга оширилаётган лизинг операциялари ҳажми йилдан-йилга кескин ортиб бораётган бир вақтда мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни, шу билан бирга ходимлар малакаси оширилишини талаб этади.

2019 йил давомида “Ўзагролизинг” АЖнинг ижроия аппарати, барча ҳудудий филиаллари, “Uzmashlizing” МЧЖ, “Lizing Texnika servis” МЧЖ ва “Lizing axborot texnologiyalari” МЧЖларининг жами 15 та ходими турли ўқув курсларда ўз малакаларини оширишди. Жумладан, 1 та ходим Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтида ташкил этилган “Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш” йўналишида, 1 та ходим "AUDIT FORVARD" НТМнинг “Ички аудиторларни тайёрлаш” курсида, 2 та ходим Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув Республика олий мактабининг магистратурасида "Корпоратив бошқарув: тамойиллари, механизмлари ва жорий қилиш" ва "Бизнес бошқаруви" йўналиши бўйича таълим олмоқда, ҳамда ушбу Олий мактабда 1 нафар ходим "Лойиҳа бошқаруви: асосий босқич", 2 та ходим “Замонавий амалиёт ва корпоратив бошқарув тамойиллари” ўқув курсларида малака оширдилар. 2 нафар ходим Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратурасининг “Корпоратив молияни бошқариш” ва “Инвестицияларни бошқариш” (реал сектор учун) йўналишида ўқимоқда, 3 та ходим Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоноҳужжатлар Марказий давлат архиви томонидан ташкил этилган “Ижро назорати ва

иш юритиш маҳорати” ва “Кадрларга доир иш юритишни ташкил этиш” ва “Идоравий архивлар фаолиятини ташкил этиш асослари” махсус ўқув курсларида ўз малакаларини оширишди. Шунингдек, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида “Ижро интизоми ва ҳужжатлар билан ишлашда иш юритишни ташкил этиш" махсус ўқув курсида, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институтида 2 нафар ходим ўз малакаларини ошириб келишди.

2020 йилда ҳам мавжуд кадрлар таркиби қайта кўриб чиқилади ҳамда меҳнат соҳасида соғлом ички рақобат вужудга келтирилади. Йил давомида ўтказиладиган қисқа муддатли курсларда ходимлар малакасини ошириш ишлари давом эттирилади, улар чет элда лизинг соҳаси бўйича ўтказиладиган халқаро конференция, кўргазма ва семинарларга юборилади. Молия институти, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва бошқа олий таълим муассасалари талабаларининг Жамият ижро этувчи аппарати ва ҳудудий филиалларида амалиёт ўташлари бўйича ишлар ташкил қилинади ва барча шарт-шароитлар яратилади.

2020 йилда Жамият томонидан ҳудудий филиаллар учун офис-бинолар қуриш, филиалларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамлаш, ходимлар учун талаб даражасидаги иш шароитини яратиш ишлари давом эттирилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2012 йил 9 июлда ўтказилган 134-сонли йиғилиш баённининг 6-банди ижросини таъминлаш мақсадида, 2020 йилда “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти ҳудудлардаги офис бинолар қурилиши учун 4000,0 млн. сўм маблағ ажратиш режалаштирилган.

4. Жамиятнинг ташкилий техник жиҳозланиши

Жамият ўз олдига қўйилган мақсадларга мувофиқ ресурс базасининг техник, ташкилий, технологик имкониятларини кенгайтириш бўйича етарли моддий техник базага эга. Ходимлар замонавий компьютерлар билан таъминланган. Локал тармоқда ходимлар бўйича ички ва интернетда уланиш учун почталар мавжуд. Филиаллар билан ўзаро ички электрон ахборот айланиш тизими йўлга қўйилган. Ходимлар доимий янгиланиб бориладиган “Норма” ҳуқуқий тизимдан фойдаланадилар.

Жамият “Ўзтелеком” акциядорлик жамияти томонидан тақдим этиладиган юқори сифатли телефон алоқасига эга. Бундан ташқари кўплаб нусха кўчирувчи, факс, принтер, модем ва бошқа оргтехника

воситалари билан таъминланган.

5. Жамият фаолияти таҳлили

“Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3929-сонли Қарорида белгиланган функциялар асосида фаолият кўрсатиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 486-сонли “"Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига асосида ўз маблағлари ва жалб этилган (қарз, кредит) маблағлар ҳисобидан машина-трактор паркларига, қишлоқ хўжалик корхоналарига, деҳқон ва фермер хўжаликларига уларнинг буюртмалари асосида қишлоқ хўжалиги машиналарини ва бошқа механизация воситаларини лизингга етказиб беради. Бунда етказиб бериладиган техника қийматининг 25%-40% гача қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан олдиндан аванс тўловлари тўланади, қолган 75%-60 % гача қисми Жамият томонидан молиялаштирилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 578-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган, ғалла ўриш ва пахта териш техникасини лизинг асосида етказиб беришда:

- замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси қийматининг 20 фоизи аванс сифатида лизинг олувчилар томонидан ўз маблағлари ҳисобига тўланади;

- замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси қийматининг 80 фоизи «Ўзагролизинг» акциядорлик жамияти томонидан унга Молия Вазирлиги ҳузуридаги “Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш Жамҳарма”си томонидан қарз асосида берадиган маблағлар ҳисобига молиялаштирилади ва имтиёзли (Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган) фоиз ставкаларида, 7 йилдан 10 йилгача бўлган муддатга етказиб берилади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар ва лизинг ташкилотлари техника қийматининг 80 фоизи миқдорида аванс тўловларини олганидан сўнг лизинг

олувчиларга қишлоқ хўжалиги техникасининг аванс тўланган кундан бошлаб 120 кун муддатда етказиб берилишини таъминлайдилар.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 578-сон қарорига 1-иловасига асосан Қишлоқ хўжалиги техникасини кредит ва лизинг шартларида харид қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида низом"га асосан лизинг олувчининг лизинг фоизини қоплаш учун субсидия лизинг ташкилоти томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 10 фоизлик пункти миқдорида қоплаб берилади.

Бунда, лизинг шартномаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 1,5 бараваригача бўлган фоиз ставкаси билан ҳайдов тракторлари учун 5 - 7 йил муддатга, чопиқ, транспорт, боғдорчилик тракторлари, уч ва ундан ортиқ корпусли айланма омочлар ҳамда кўп вазифали пневматик ва механик сеялкалар учун 3 - 5 йил муддатга расмийлаштирилган бўлиши лозим.

Жамият томонидан 2001 йилда 22,8 млрд.сўмлик 7 турдаги 3314 дона техника лизингга етказиб берилган бўлса, 2019 йил 1 декабрь ҳолатига лизингга берилган техникаларнинг умумий қиймати 3 142,4 млрд. сўмни, сони 76 308 донани, тури 69 тани ташкил этди ёки ўтган 20 йил мобайнида қиймат жиҳатидан 137,8 баробарга, миқдор жиҳатидан 23 баробарга ўсишни ташкил этди.

2001 йилда жамият томонидан 2108 нафар лизинг олувчи билан шартномавий муносабатлар ўрнатилган бўлса, 2019 йил якунига келиб, жамият фаолияти билан қамраб олинган лизинг олувчилар сони 61 065 нафарга етди ва бу 2001 йилга нисбатан 29 баробарга кўпдир.

Жамият томонидан 2001-2019 йиллар мобайнида республикамиз қишлоқ хўжалигига лизингга етказиб берилган техникалар ва лизинг олувчилар сони 2-жадвалда кўрсатилган.

2-жадвал

Йиллар	Лизингга берилган техника турлари	Лизинг олувчилар сони	Лизингга берилган техникалар сони
2001	7	2 108	3 314
2002	11	3 828	5 607
2003	13	5 189	7 685
2004	14	7 352	10 933
2005	17	10 376	14 814
2006	18	13 947	18 805
2007	18	17 700	22 634
2008	20	20 632	26 095
2009	21	23 375	29 228
2010	23	25 684	32 664
2011	30	30 930	37 973
2012	47	33 739	42 831

2013	43	37 085	48 091
2014	47	39 013	52 154
2015	42	42 921	56 062
2016	61	46 861	60 002
2017	62	51 265	65 508
2018	70	55 165	69 908
2019	69	61 065	76 308

Жамият фаолиятининг охирги беш йиллик таҳлилига кўра, лизингга берилган техникалар ҳажми ва хўжалик фаолиятидан олинган фойдаси ўсиб борганлигини 3-жадвалда кўриш мумкин.

3-жадвал

	2017 й.	2018 й.*	2019 й.**	2020
Лизингга берилган техника қиймати (млн. сўм)	474 200,0	744 300,0	770 000	1 037 320
олдинги йилга нисбатан ўсиш (фоиз ҳисобида)	173,2	137,1	103,5	134,7
маҳсулот сотишдан соф тушум (млн. сўм)	74 101,1	105 995,4	167 998,6	212 853,3
олдинги йилга нисбатан ўсиш %да	137,4	143,0	158,5	126,7

**Изоҳ:* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 майдаги ПҚ-3712-сонли "Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан лизингга қишлоқ хўжалик техникасини етказиб бериш учун Жамғарма маблағлари ҳисобидан 500,0 млрд. сўмлик маблағлар ажратиб берилган.

** Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов томонидан 2019 йил 17 апрелда имзоланган 01-03/1-259-сонли "Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссияси йиғилиши Баёни"нинг 1.5-бандига асосан ғалла ўриш комбайнларини лизинг асосида етказиб беришни молиялаштириш учун 253 млрд. сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши ҳисобига 353,0 млрд. сўмлик техникалар етказиб берилди.

5. Молиявий режалаштириш

2019 йилда жамиятни ривожлантиришнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш ва иқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида 2020 йил учун қуйидагилар энг муҳим устувор вазифалар этиб белгиланган:

- 2020 йил учун қишлоқ хўжалик техникаларини лизингга етказиб бериш бўйича белгиланган режа кўрсаткичларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш;
- 2020 йилда лизинг тўловларидан бўлган қарздорликни кескин қисқартириш, барча манбалар ҳисобидан тўловларни амалга оширишни доимий таъминлаш ва назорат этиб бориш;
- Республикада ҳозирги замон талабидан келиб чиққан ҳолда, ерларни ҳайдашда ишлатиладиган омочлар, маҳаллий ўғитларни сепадиган мосламалар, замонавий юқори унумли ҳайдов тракторлари

ва чорвачилик ем-хашак ўриш техникаларини лизингга бериш ҳажмларини янада кўпайтириш, мева-сабзавот ва боғдорчилик соҳаси учун зарур бўлган мини тракторлар ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қайта ишлаш ускуналарини лизингга беришни йўлга қўйиш;

- ҳайдов тракторлари ва ғалла ўриш комбайнларига қайта агрегат-ланадиган ва ҳар хил функционал жараёнларни бажариш имкониятига эга бўлган шлейф техникаларни лизингга беришни янада кўпайтириш;

- Жамият устав жамғармасини ошириш бўйича иш олиб бориш;

- кадрлар сифат таркибини яхшилаш, малакасини ошириш, шу жумладан, хорижий давлатларда конференция ва семинарларга тизимли иштирокларини йўлга қўйиш;

- 2020 йил учун "Давлат дастури" ижросини амалга ошириш;

- Жамият ва ҳудудий филиалларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

2020 йилда республика қишлоқ хўжалиги корхоналарига умумий қиймати 1 037,3 млрд. сўмлик 4 330 дона техникани лизинг шартларида етказиб бериш режалаштирилди **(4-жадвал).**

№	Техникалар номи	Жами		чораклар бўйича сони, дона							
		сони, дона	қиймати млн. сўм	I чорак		II чорак		III чорак		IV чорак	
				сони	қиймат	сони	киймати	сони	киймат	сони	киймати
1	Қорақалпоғистон Республикаси	250	81 381	**73**	11 207	**53**	19 642	**72**	26 526	**52**	24 007
2	Андижон	357	63 065	121	12 453	67	19 840	**112**	17 636	**57**	13 135
3	Бухоро	280	53 531	142	8 321	31	8 100	**62**	18 235	**46**	18 876
4	Жиззах	310	50 372	**91**	9 299	**52**	4 800	**109**	19 763	**58**	16 509
5	Қашқадарё	256	61 787	109	8 863	60	21 520	**63**	16 712	**25**	14 692
6	Навоий	195	45 436	71	9 241	32	5 272	**54**	14 328	**39**	16 596
7	Наманган	640	118 489	238	17 317	133	33 134	**170**	36 729	**100**	31 309
8	Самарқанд	505	92 442	186	10 052	77	7 232	**163**	38 571	**79**	36 585
9	Сурхондарё	424	145 320	124	24 609	86	10 072	**124**	54 361	**90**	56 277
10	Сирдарё	173	55 842	36	6 794	30	17 385	**72**	16 857	**36**	14 806
11	Тошкент	360	123 611	81	12 047	74	29 933	**122**	40 942	**83**	40 690
12	Фарғона	423	92 772	77	12 467	96	14 911	**167**	33 163	**84**	32 232
13	Хоразм	157	53 273	37	7 672	27	8 597	**47**	17 279	**46**	19 725
	ЖАМИ	**4330**	**1 037 320**	**1386**	**150 343**	**818**	**200 437**	**1334**	**351 101**	**792**	**335 439**

Жамғарма маблағлари ҳисобидан, жамиятнинг ўз маблағлари ва жалб қилинадиган маблағлари ҳисобидан етказиб бериладиган техника сони ва суммасини юқоридаги жадвалдан кўриш мумкин.

Жамият даромадини ошириш, қишлоқ хўжалик корхоналарининг техникага бўлган талабини тўлароқ қондириш мақсадида қўшимча манбалардан, банк кредитларидан фойдаланилади. Қуйидаги (5-жадвал) жадвалдан жамиятнинг 2015-2019 йилларда банклардан жалб қилинган кредитларини кўриш мумкин. Кредит ресурслари қишлоқ хўжалиги техникаси етказиб берувчи заводларга йўналтирилиб, ишлаб чиқариш қувватларини оширишга хизмат қилади ва буюртмаларга асосан лизингга техникаларни ўз вақтида етказиб беради. Бу ўз навбатида ҳукуматимиз томонидан Жамият олдига қишлоқ хўжалик техникасини етказиб бериш бўйича берилган топшириқни бажарилишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

минг сўм ***(5-жадвал)***

Номланиш	2015 й.	2016 й.	2017й.	2018 й.	2019й.	2020й. Прогноз
Банклардан жалб қилинган кредитлар (млн.сўм)	**29 000**	**130 000**	**137 000**	**75 000**	**603 000**	**500 000**
қисқа муддатли	0	0	0	0	0	0
узоқ муддатли	29 000	130 000	137 000	75 000	603 000	500 000
олдинги йилга нисбатан ўсиш (маротаба)	1,2	4,5	1,0	0,5	8,0	0.8

Жадвалдан кўриниб турибдики, йиллар давомида банк кредитидан фойдаланилмоқда, бу ҳолат пировардида жамиятнинг айланма маблағлари тўлдирилишини ва даромад режасини бажарилишига олиб келган. Жамият томонидан йиллар давомида тўпланган тажрибадан келиб чиқиб, келгуси 2020 йилда ҳам қўшимча маблағларни жалб қилиш кўзда тутилади. Банкдан жалб қилинадиган кредит ресурслари юқори унумли ҳайдов ва ишлов бериш тракторлари, чорвачиликка мўлжалланган ўрим-йиғим комбайни, мева-сабзавот ва боғдорчилик, узумчилик учун кичик механизация воситалари ва мини тракторлар, мавжуд техникаларга агрегатланадиган ҳар хил функционал жараёнларни бажариш

имкониятига эга бўлган шлейф техникаларни молиялаштиришга йўналтирилади.

2020 йилда Жамиятнинг айланма маблағларини шакллантириш, мавжуд дебитор қарздорликни ундириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилади. Шунинг натижасида ғалла ва пахта имтиёзли кредитларидан 309,7 млрд. сўм, якуний транш маблағларидан 181,4 млрд. сўм, эркин манбалар ҳисобидан 108,9 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар ундирилиб, лизинг тўловлари бўйича қарздорлик шу суммага камаяди (6-жадвал).

(6-жадвал)

Вилоятлар	2020 йил лизинг тўлови манбалари	Шундан				
		ғалла имтиёзли кредит	Пахта имтиёзли кредит	ғалла якуний	пахта якуний	эркин маблағ
1	*2*	*3*	*4*	*5*	*6*	*7*
Қорақалпоғистон Республикаси	32 344	3 722	8 444	1 278	10 222	8 678
Андижон	44 733	10 444	14 556	4 556	10 778	4 400
Бухоро	34 733	5 444	13 111	2 222	9 556	4 400
Жиззах	44 772	10 833	11 722	5 222	9 722	7 272
Қашқадарё	37 778	11 556	12 222	3 333	7 000	3 667
Навоий	14 178	3 333	4 722	722	2 222	3 178
Наманган	32 739	9 278	9 833	2 000	6 556	5 072
Самарқанд	38 078	10 778	9 722	4 222	7 611	5 744
Сурхондарё	54 767	11 944	17 944	4 667	10 556	9 656
Сирдарё	44 817	4 889	12 222	5 778	11 167	10 761
Тошкент	48 283	12 111	14 167	4 611	9 389	8 006
Фарғона	45 767	10 889	15 444	4 000	9 444	5 989
Хоразм	24 933	2 833	9 944	889	7 111	4 156
Узмашлизинг	102 078	18 556	29 000	11 556	15 000	27 967
Жами	**600 000**	**126 611**	**183 056**	**55 056**	**126 333**	**108 944**

7. Баланс даромадлари ва харажатлари кўрсаткичлари

Жамиятнинг 2019 йилги даромадлари:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат хариди учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси қарз асосида берадиган маблағлар ҳисобига 7-10 йил муддатга, Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган

миқдордаги лизинг маржасини белгилаган ҳолда лизингга етказиб берилган техникалардан даромад;

- Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 486-сонли қарори асосида ўз маблағлари ва жалб этилган (қарз, кредит) маблағлар ҳисобидан йиллик 26-28 % лизинг маржасини белгилаган ҳолда лизингга етказиб берилган техникалардан даромад;
- Жамият таъсисчилигидаги маъсулияти чекланган жамиятларидан олинган дивидендлар;
- суғурта мукофотлари ва бошқа даромадлардан шаклланади.

Жамиятнинг 2020 йилдаги режаси бўйича ялпи даромади 215 099,3 млн. сўм, давр харажатлари 66 078,8 млн. сўм, молиявий фаолият учун тўланадиган харажатлари эса 117 947,6 млн. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

2020 йилда режадаги соф фойда 7 500,0 млн. сўм бўлиши режалаштирилмоқда (7-жадвал).

(7-жадвал)

Даромад ва харажатлар	**Жами, млн. сўм**	1 чорак	2 чорак	3 чорак	4 чорак
Даромадлар					
424-қарор бўйича ўтган йилларда берилган техникаларнинг 2020 йилда қайтариладиган қисми	57 925,0	12 861,0	17 312,0	12 391,0	15 361,0
486-қарор бўйича ўтган йилларда берилган техникаларнинг 2020 йилда қайтариладиган қисми	101 076,0	26 991,0	25 971,0	24 365,0	23 749,0
486-карор буйича 2020 йилда лизингга бериладиган техникаларнинг 2020 йилда кайтариладиган кисми	31 902,3	2 569,0	7 441,0	10 096,0	11 796,3
Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар	2 246,0	479,0	520,0	716,0	531,0
Асосий фаолиятдан ташқари даромад	21 950,0	7 950,0	3 935,0	3 935,0	6 130,0
Жами даромадлар	**215 099,3**	**50 850,0**	**55 179,0**	**51 503,0**	**57 567,3**
Харажатлар					
Молиявий фаолият учун	**117 947,6**	**30 614,3**	**30 768,1**	**28 408,7**	**28 156,5**
Давр харажатлари	**66 078,8**	**13 103,6**	**14 538,7**	**17 201,0**	**21 235,5**
Сотиш харажатлари	762,5	223,0	202,5	201,0	136,0
Маъмурий харажатлар	61 331,4	12 056,8	13 435,4	15 975,3	19 863,9
Бошқа операцион харажатлар	3 984,9	823,8	900,8	1 024,7	1 235,6
Маҳсулот таннархи	**23 462,4**	**8 327,3**	**4 360,7**	**4 203,6**	**6 570,8**
Жами харажатлар	**207 488,8**	**52 045,2**	**49 667,5**	**49 813,3**	**55 962,8**
Солиқ тўлашдан олдинги фойда	**7 610,5**	**-1 195,2**	**5 511,5**	**1 689,7**	**1 604,5**
Солиқ	110,5	27,2	27,6	28,8	26,9
Соф фойда	**7 500,0**	**-1 222,4**	**5 483,9**	**1 660,9**	**1 577,6**

6. «Ўзагролизинг» акциядорлик жамиятининг 2019 йил учун эмиссия ва дивиденд сиёсати

Жамият томонидан 2000-2014 йиллар мобайнида жами 11 та эмиссия чиқарилиб, устав фондининг миқдори 1,0 млрд. сўмдан 50,0 млрд.сўмга, акциялар сони эса 1 млн. донадан 22 727 273 донага етказилган. 2015 йилда акция номинал қийматини 2285,0 сўмдан 2535,0 сўмга оширилиши ҳисобига устав фонди 105 681,8 млн. сўмга етказилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги ПФ-4857-сонли “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамиятини ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармони ва 2016 йил 17 ноябрдаги ПҚ-2658-сонли “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамиятининг фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида”ги қарорига асосан “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти устав фондидаги давлат улуши “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамиятига ўтказилган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3929-сонли Қарорига асосан “Ўзагролизинг” АЖ 2018 йил 28 сентябрда “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ таркибидан чиқарилди.

«Ўзагролизинг» АЖ устав фондидаги «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖга тегишли 87,88% (36 636 566 дона акциялар) улуши давлат тасарруфига ўтказиб берилди. Хорижий инвестор улуши 1 700,9 млн. сўмни (1,61%), юридик шахслар улуши 10 977,1 млн. сўмни (10,4%) ва жисмоний шахслар улуши 130,1 млн. сўмни (0,123%) ташкил этади.

Жамият 2020 йилда ўз тасарруфида қоладиган соф фойдадан акциядорлар умумий йиғилиши қарорида белгиланган фоизлар даражасида дивидендлар тўловига ва жамиятнинг айланма маблағларини тўлдириш, лизинг олувчиларга янги техника сотиб олишга йўналтиришни режалаштирган. Бундан ташқари, Жамият ихтиёрида қоладиган соф фойдани капитализация қилиш ва устав фондини ошириш орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2012 йил 9 июлда ўтказилган 134-сонли йиғилиш баённининг 6-банди ижросини таъминлаш мақсадида, филиалларнинг моддий-техника базасини яхшилаш, уларга намунавий лойиҳада офис-биноси қурилишига йўналтириш белгиланган. Шунингдек, асосий воситаларни (5 та енгил хизмат автомашина) сотиб олиш режалаштирилмоқда.

“Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти бошқарув фаолиятини самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли "Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида" қарори 2-бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда, давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларни бошқариш органлари томонидан Жамиятнинг фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонлари жорий этилишини таъминлашлари белгиланган.

Жамият фаолиятининг тармоқ бўйича мансублигидан, ривожланиш стратегиясидан ва фаолиятининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда Бошқарув фаолиятини самарадорлигини баҳолаш бўйича қуйидаги 6 та кўрсаткичдан фойдаланишга қарор қилинди:

Активлар рентабеллиги, улуши -1,0 %;
Абсолют ликвидлик коэффициенти, улуши - 3,0 %;
Молиявий мустақиллик коэффициенти, улуши - 40,0 %;
Кредитор қарзлари айланиши кунларда, улуши - 5,0 %;
Дебитор қарзлари айланиши кунларда, улуши - 5,0 %;
Қоплаш коэффициенти, улуши 46,0 %.